Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

30 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ШАНБА

№ 247 (2.653).

Баҳоси 3 тийин.

Колхоз ва совхоз меҳнаткашлари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз, унинг маҳсулдорлигини бутун чоралар билан оширингиз!

Гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш учун курашингиз!

Чорвачилик—зарбдор фронт!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ



ПЕШҚАДАМЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

29 октябрь эрталабгача республика тайёрлов пунктларига топширилган пахта 4.923.357 тоннага етди. Машиналар бункеридан 2.614.954 тонна хом ашё бўшатилди. Ўтган куни далалардан 48.189 тонна дурдона териб олинди. Ана шунинг 5.194 тоннаси ингичка толали пахтадир.

ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Уртоқ Леонид Ильич Брежневнинг республикамизда давлатга дон, мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш плани бажарилганлиги муносабати билан йўллаган табригига жавобан теримда мусобақани янада авж олдирайлик! Юбилей йилини юксак «оқ олтин» хирмони бунёд этиш билан якунлайлик!

Наманган

Ленин комсомоли туғилган кун муносабати арафасида область далаларида 31 минг нафар комсомол-ёшлар зарбдорларча меҳнат қилдилар. Шу куни улар эл хирмонига 650 тонна хом ашё топширишди. Поп районининг ёш пахтакорлари энг юқори иш унумига эришдилар. Бу ерда ҳар бир теримчи ҳисобига ўртача 32 килограммдан пахта тўғри келди.

ҚҚАССР

Элликқалъа райони дала гвардиячилари машинада пахта териш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Эл хирмонига топширилган 52.855 тонна хом ашёнинг 34.386 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан бўшатилди.

Навоий

Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг **1-бўлими заршунослари юбилей йили пахта таёрлаш планини муваффақиятли уддаладилар.** Деҳқонлар 808 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 3.160 тоннадан зиёд хом ашё топширдилар. Ялпи ҳосилнинг 75 процента машиналар ёрдамида териб олинди. Риза Облаев, Зиёдулла Бердиев, Давлат Тўйчиев сингари дала даргалари ўз агрегатлари бункеридан 120—150 тоннадан «оқ олтин» бўшатдилар. Бўлим пахта қорлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун гайрат қилмоқдалар.

Самарқанд

Каттақўрғон районидаги **«Правда» ва Ленин номли колхозларининг механизаторлари машина терими бўйича йиллик планни уддаладилар.** «Правда» колхози механизаторлари агрегатлар бункеридан 3.440 тонна, Ленин номли колхоз дала гвардиячилари эса 6.600 тонна хом ашё бўшатдилар.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқув-тажриба хўжалигида йиллик план бажарилди. Бу ерда 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтарилди.

Қашқадарё

Қарши райони механизаторлари областда биринчи бўлиб машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар. Дала гвардиячилари агрегатлар бункеридан 25.250 тонна дурдона бўшатдилар. Эришилган муваффақиятга «Ленин йўли», «Москва», «Ленинизм», Собир Раҳимов номли совхозларнинг механик-ҳайдовчилари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бухоро

Вобкент районидаги **Калинин номли колхоз меҳнаткашлари йиллик маррага етиб келдилар.** Колхоз заршуносларидан давлатга 4.250 тонна дурдона етказиб беришди. Ҳосилнинг 90 процента биринчи сортларга топширилди. 1.083 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Хўжаликнинг Рашид Мажидов, Тошпўлат Бойжуродов, Низом Икромов, Файзи Нарзиев бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 55 центнердан ҳосил кўтарилди. Колхоз азаматлари ҳосилдорликни яна 5 центнерга кўпайтиришга қарор қилдилар.

Андижон

Балиқчи районидаги Горький номли совхозда ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинаётир. Бу ерда ҳозиргача «зангори кема»лар ёрдамида 2.650 тонна пахта териб олинди. Йиғим-терим айниқса совхознинг 5-бўлимида намунали ташкил этилган. Бу ерда биринчи теримдаёқ гектаридан 23 центнердан, иккинчи теримда эса 12 центнердан ҳосил қўтарилди. Садриддин Шамсиддинов ва Машраб Собиров сингари механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 200 тоннадан «оқ олтин» бўшатдилар.

Жиззах

Октябрь районида машинада пахта териш плани бажарилди. Район механизаторлари агрегатлар бункеридан 29.455 тонна хом ашё бўшатишди. Бу меҳнат муваффақиятига Собир Раҳимов номли совхоз механизаторлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар пландаги 7.800 тонна ўрнига 11.200 тоннадан зиёд «оқ олтин»ни машиналар ёрдамида териб олдилар.

Сирдарё

Ильич районидаги **Узоқов номли совхоз заршунослари социалистик мажбуриятни ҳисобига пахта топширишга киришдилар.** Хўжалик деҳқонлари 4.900 тонна «оқ олтин» тайёрладилар. Бу ерда машинада пахта териш плани ҳам муваффақиятли бажарилди. Совхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ялпи хирмонни 5,5 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Фарғона

29 октябргача областда икки колхоз, бир совхоз, 182 бригада оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишга киришди.

Тошлоқ район маориф бўлимида ташкил этилган «Педагог-82» отряди аъзолари К. Маркс номли колхоз далаларида зарбдорларча меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар куни колхоз хирмонига 5,5 тоннадан хом ашё топширмоқдалар.

Тошкент

Пискент районидаги **Охунбобоев номли колхозда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди.** Бу ерда 1.570 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил қўтарилди ва давлатга 5.040 тонна хом ашё топширилди. Ялпи ҳосилнинг 95 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди. **Ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги ўртача иш унуми 140 тоннани ташкил этди. Колхоз азаматлари ҳар гектар ердан яна 8 центнердан ҳосил йўтариб, қўшимча 1.150 тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини қабул қилишди.**

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,24	106,87	0,14	103,13
Хоразм	0,67	98,95	0,95	87,53
ҚҚАССР	0,83	95,83	0,65	82,05
Бухоро	0,83	93,64	0,45	38,29
Навоий	0,73	87,74	0,78	62,15
Сурхондарё	0,72	85,53	0,21	55,05
Сирдарё	0,60	80,65	0,19	81,28
Жиззах	0,84	77,29	0,34	71,98
Қашқадарё	1,11	76,75	1,51	61,49
Наманган	0,67	75,43	0,64	50,22
Андижон	0,83	75,20	1,10	55,93
Самарқанд	1,17	74,81	1,74	63,95
Фарғона	1,11	72,32	1,62	55,47
Республика бўйича	0,82	83,59	0,81	66,71
Шу жумладан ингичка толали пахта.				
НАВОИЙ	0,79	124,37	1,12	93,38
НАМАНГАН	1,96	122,06	1,30	36,17
СУРХОНДАРЁ	1,08	104,09	0,38	81,16
Бухоро	2,34	91,98	3,26	19,43
Қашқадарё	1,69	86,61	1,78	53,47
Республика бўйича	1,33	99,07	1,01	69,07

АВТОМОБИЛЧИЛАР, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон автомобиль транспорти ходимлари ўз профессионал байрамини меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, автомобилларнинг бекор туриб қолишини қисқартиришнинг, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг янгидан-янги резервларини ишга солмоқдалар. Республика автомобилчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, шу йил пландан ташқари салкам 4,5 миллион тонна халқ хўжалик юкларини, 25 миллиондан кўпроқ пассажир ташидилар, қариб 500 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар.

29 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шу маълумотлар келтирилди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гаврилов доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 28 октябрь куни Катта Кремль саройида Кипр Республикасининг Президенти С. Киприану шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда С. Киприануга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми билан СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Муҳтарам Президент жаноблари!

Кипрлик ҳурматли меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Спирос Киприану жаноблари, Сизни ва ишдаги ўртоқларингизни бу ерда, Москвада чин қалбдан табриклайман.

Аслини олганда Совет—Кипр ҳамкорлиги ҳам Кипр мустақил мамлакат бўлиб қолган ўша кунда вужудга келган эди. Ўша пайтдан буён бу ҳамкорлик тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат принциплари асосида ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Биз шуни тўла ҳуқуқ билан айта оламизки, гарчи бизнинг мамлакатларимиз бир-бири билан бевосита чегарадош бўлмаса ҳам, улар чинакам яхши қўшничилик муносабатларини боғлагандирлар.

Совет кишилари кейинги йигирма йил мобайнида кипрликлар зиммасига тушган синовларни тушунадилар ва бунга чуқур хайрихоҳлик билан қарамоқдалар. Эҳтимол, жаҳондаги шиддатли воқеалар Кипрнинг ташвишли проблемаларидан баъзи пойтахтларнинг эътиборини чалғитгандир ҳам. Аммо бу бизга тааллуқли эмас. Биз Совет Иттифоқидагилар Кипр проблемаси тўзалмаётган жароҳат эканлигини ҳеч қачон унутганимиз йўқ. Бу жароҳат доимо безовта қилиб, халқ ҳаётини заҳарлаб келмоқда.

Лекин сиёсатда мутлақо иложсиз ҳоллар бўлмайди. Ёки ҳар ҳолда улар ниҳоятда кам учрайди. Зотан биз Кипр проблемасини адолатли равишда мустаҳкам бартараф этиш мумкинлигига аминмиз.

Бунда Кипр қадрдон ватани бўлган икки миллий жамоалар ўртасидаги ҳамжиҳатликка кўп нарса боғлиқдир, албатта. Ана шу жамоалардан ҳар бирининг ўз алоҳида манфаатлари борки, уларни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Аммо бу манфаатлар Кипр Республикасининг бутунлигини, мустақиллиги ва суверенитетини сақлаб қолишдан иборат умумдавлат манфаатига ҳалақит бера олмайди.

Кипр ҳукумати, мамлакатнинг илғор ижтимоий-сиёсий кучлари республикадаги вазиятни соғломлаштириш йўлларини қидираётганликларини Совет Иттифоқидагилар астойдил ва манфаатдорлик билан қузатиб бормоқдалар.

Бошқа халқлар каби Кипр халқи ҳам ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз, жиҳатдан қўшинларсиз ва чет эл ҳарбий базаларисиз тинчлик ва осойишталикда яшаш ҳуқуқига эгадир.

Президент жаноблари, Кипр аҳолиси каби Сиз ҳам шуни биласизки, Совет Иттифоқи Кипр Республикасининг мустақиллигини, территориал бирлигини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлаб унинг қўшилмаслик сиёсатига ҳурмат билан қарамоқда.

Дунёдаги вазият шу қадар хатарли бўлиб қолган ҳозирги пайтда биз шунга катта аҳамият бермоқдамизки, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш каби ғоят муҳим халқаро масалалар юзасидан Совет Иттифоқи билан Кипр бир хил ёки бир-бирига яқин позицияларни эгаллаб турибдилар.

Шу муносабат билан ўрта денгиздаги вазиятга тўхталиб ўтмоқчиман. Ушбу региондаги мамлакатлар ва халқлар империалистик кучларнинг хатарли ҳаракатлари оқибатларининг тобора кўпроқ ҳис этмоқдалар. Кўпдан-кўп ҳарбий базаларнинг мавжудлиги, давлатларнинг ички ишларига аралашув, ихтилофлар ва можаролар авж олдирилаётганлиги бу ерда жиддий кескин манбаларни вужудга келтирмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

СОВЕТ—КИПР МУЗОКАРАЛАРИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Кипр республикасининг президенти С. Киприану 28 октябрь куни амалий визит билан Москвага келди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Маданият министри П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

28 октябрь куни Кремлда Совет — Кипр музокаралари бўлди.

Музокараларни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев;

Кипр томонидан — Кипр Республикаси Президенти С. Киприану, Кипр Республикаси ташқи ишлар министри Н. Роландис, Кипр Республикаси Президенти ҳузуридаги министр К. Михаилидис олиб бордилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Л. И. Брежнев билан С. Киприану Совет — Кипр муносабатларининг ҳолати ва ривожидан мамнун эканликларини билдирдилар. Бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилмоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларида — сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий соҳада силжиш равшан намоён бўлиб турибди.

Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди белгилаб берган социал-иқтисодий қурилиш планларини совет халқи қандай бажараётганлиги тўғрисида, барча совет халқларининг интернационал бирлиги, дўстлиги ва қардошлиги байрами, халқаро аҳамиятга молик воқеа— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик тўғрисида гапириб берди. У КПСС билан Совет давлатининг ядро уруши хавфига қарши, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун тинмай олиб бораётган кураши муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу қураш Совет ташқи сиёсатининг бош йўли эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деди Л. И. Брежнев.

С. Киприану Кипрдаги вазият ва Кипр ҳукуматининг Кипр муаммосини ҳал этишга эришиш йўлида сарфлаётган куч-ғайрати тўғрисида гапирди.

Л. И. Брежнев Кипр Республикасининг мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини қўллаб-қувватлаш, унинг қўшилмаслик сиёсатини ҳурмат қилиш юзасидан СССРнинг қатъий ва изчил йўл тутаётганлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи ўз имкониятларини эътиборга олиб, Кипр проблемасини адолатли тарзда ҳал этишга кўмаклашмоқда, жумладан Совет Иттифоқи БМТ доирасида Кипр масаласи ҳусусида мўътабар халқаро конференция чақиришни фойдали деб ҳисоблайди.

Томонлар муҳим халқаро проблемаларни қараб чиқишга эътибор бердилар. Кескинликни юмшатиш жараёнини сақлаб қолиш ва давом эттириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга ўтиш, халқаро кескинликнинг хатарли ўчоқларини тугатиш зарурлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилди.

С. Киприану ядро хавфини бартараф этиш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш ва унинг мандатларини келишиб олиш тўғрисида бир қарорга келиш учун барча зарур ишларни қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Улар шу жиҳатдан Ўрта денгизни тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш йўлидаги ҳаракатни қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

Иккала давлат раҳбарлари Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси натижасида Яқин Шарқда аҳвол ғоят кескинлашганликларини билдирдилар, улар Исроил қўшинлари БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларига мувофиқ Ливан территориясидан сўзсиз олиб чиқиб кетилиши кераклигини айтдилар. Яқин Шарқдаги муаммони адолатли ва ҳар томонлама ҳал этишга эришиш, шу жумладан Фаластин араб халқининг ўз мустақил давлатини барпо этишдан иборат қонуний ҳуқуқларини қондириш мақсадида барча манфаатдор томонларнинг коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлаши ғоят зарур эканлиги таъкидланди.

Л. И. Брежнев Кипр Президентини Москвадаги визити вақтида нишонлаётган эллик йиллик юбилей билан чин кўнгилдан табриклади.

(ТАСС).



СУРАТДА: Учрашув пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИКНОМАСИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Республика давлатга дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планини муддатидан илгари бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган самимий табрикнома Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг, барча меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ғоят кучайтириб юборди. Бу табрикнома уларни республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда янги-янги муваффақиятларга илҳомлантирмоқда. Қувончли воқеа шарафига ўтказилаётган митингларда меҳнаткашлар совет қишлоқлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлиги учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирмоқдалар, янги марраларни белгилаб олмоқдалар.

ТОШКЕНТ

Тошкент области қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналарининг илғорлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол активи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланган кўп минг кишилик митингга йиғилдилар. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, митинг аҳли гулдурос қарсаклар билан кутиб олган табрикнома текстини ўқиб берди.

Митингда сўзга чиққан кишилар қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик билдириб, партия ишга астойдил содиқ эканликларини, КПСС XXVI съездининг улуғвор режаларини шараф билан бажариш, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш ниятида эканликларини изҳор қилдилар.

Митинг қатнашчилари Тошкент областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида Ватанга йиллик планларда кўзда тутилганига қараганда кўпроқ дон, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етказиб берганликларини қайд этиб ўтдилар. Қишки об-ҳаво шароитларига қарамай, 458 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди ва уни йиғиб-териб олиш давом этмоқда. Ватанга ярим миллион тонна пахта бериш мажбурияти қабул қилинди. Митингда сабзавот, картошка ва бошқа экинларни йиғиб-териб олишни ниҳоясига етказиш борасидаги ишларни кучайтириш, қузги дон, қишки сабзавот ва озуқабоп экинлар экишни жадаллаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этдилар.

(Давоми иккинчи бетда)

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).

НАТОнинг Ғарбий Европадаги бошқа баъзи мамлакатлар каби Италия территориясида ҳам Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро воситаларини жойлаштиришдан иборат авантюристик режалари амалга оширилган тақдирда аҳвол яна ҳам кўпроқ хатарли бўлиб қолади. Чунки Американинг ана шу ракеталари Шарққагина эмас, шу билан бирга Жанубга ҳам мўлжал олдирилиши. Ўрта денгиз бўйидаги Африка давлатларига, Яқин Шарк мамлакатларига нисбатан ядровий дўқ-пўписа воситаси бўлиб қолиши мумкин. Американинг ҳозирги стратегик доктриналари эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда ядровий дўқ-пўписа билан ядро уруши ўртасидаги чегара тобора калтис бўлиб қолади.

Бир неча марта айтилган гапни таъкидлайман: биз Ўрта денгизда хавфсизликни мустаҳкамлашдан, ушбу районнинг барқарор тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантирилишидан ғоят бевосита манфаатдормиз. Биз бу ерда ҳарбий кескинликни сусайтиришдан иборат реалистик программани олға сурганлигимизнинг боиси ҳам мана шундадир. Бу программа ҳарбий соҳада ишонч тадбирлари келишиб олинишини, қуролли кучлар қисқартирилишини, Ўрта денгиз бўйидаги ядросиз мамлакатларнинг территориясида ядро қуроли жойлаштирилмаслигини, ядро қуролини элтувчи кемалар Ўрта денгиздан олиб чиқиб кетилишини ўз ичига олади.

Хўш, нима учун иш мазкур масалалар юзасидан амалий аҳдлашувлар сари юришмаяпти? деган савол туғилади. Масалан, ядро қуроли ортилган ҳарбий кемалар Ўрта денгизда сузиб юрмаса унинг соҳилларида жойлашган бирон-бир мамлакатнинг хавфсизлигига зарар етадими, ахир? Ёки бу ердан кўп минг миль олисдаги АҚШнинг миллий хавфсизлиги зарар кўрадими? Бундай бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан. Баъзи кимсалар бу ерда агрессив жаҳонгирлик мақсадларини кўзлаётганлиги учун ҳам бу тадбирларга рози бўлишни истамаяптилар.

Шуни мутлақо равшан қилиб айтмоқчиманки, биз Ўрта денгиз районида тинчлик ва хавфсизликнинг туб масалалари юзасидан икки томонлама музокараларнинг ҳам, шунингдек кўп томонлама музокараларнинг ҳам фойдали эканлигига аминмиз.

Бу ишда конкрет натижаларга эришишга муваффақ бўлинган тақдирда бу натижалар умуман Европа хавфсизлиги учун ҳам талайгина аҳамиятга эга бўлур эди.

Хельсинкида бошланган кескинликни юмшатиш Умумевропа жараёни бундан буён ҳам муттасил ривожланабериши учун ҳамма ишни қилиш керак. Бунда Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг яқин вақт ичида ўз ишини яна бошлайдиган Мадрид учрашуви муҳим роль ўйнаши лозим. Бажарилган ишнинг ижобий якунланиши учун унинг барча қатнашчилари ўз масъулиятини англаб оладиган пайт келди, деб ўйлаймиз.

Бизнинг қатъий фикримизча, Мадрид учрашуви яна Европадаги сиёсий уфқни равшанлаштириб, халқларнинг кескинликни юмшатиш иши келажагига ишончини мустаҳкамлай олади. Аммо биз биламизки, баъзи кимсалар учрашувдан кескинликни юмшатишга тўсқинлик қилиш ҳамда суверен мамлакатлар ва халқларнинг ишларига аралашиш йўлидаги уринишларини давом эттириш учун фойдаланишни истардилар. Бу ўткинчи ва қалтабин позициядир. Бундай ҳаракатларга қаршилик кўрсатмаслик учрашув қатнашчисининг миллий манфаатларига қанчалик мос бўлиб тушажаги тўғрисида уларнинг ҳар бири ўйлаб кўрса чакки бўлмас эди.

Муҳтарам Президент жаноблари!

Биз фойдали музокаралар олиб бордик. Бу музокаралар тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. Зотан мен мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги келгуси даврда янада ҳар томонлама чуқурлашиши ва сермазмун бўлишига астойдил ишонаман.

Президент Киприану ва унинг рафиқаси соғлиғи учун, киприлик меҳмонларимиз учун, Совет Иттифоқи ва Кипр халқлари дўстлиги учун, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб халқаро майдонда мамлакатларимизнинг баҳамжиҳат ҳаракатини мустаҳкамлаш учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

С. Киприану жавоб нутқи сўзлади.

С. КИПРИАНУ нутқи

Президент жаноби олийлари! Совет Иттифоқига келиш, Сиз билан учрашиб, музокаралар олиб бориш имконияти берилганлигидан бахтиёрман. Эзгу сўзларингиз ҳамда менга, рафиқамга ва менинг ҳамроҳларимга кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Сизга ташаккур билдираман.

Мен Сизларнинг улуғ мамлакатингизга биринчи марта келаётганим йўқ. 1964 йилда Кипр ташқи ишлар министри сифатида ва 1971 йилда яна ташқи ишлар министри сифатида Кипр Республикасининг унутилмас Президенти архиепископ Макариосга ҳамроҳ бўлиб келган аввалги икки визитим хотиралари менинг ёдимдадир.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин Кипр Сизнинг мамлакатингиз — ғоят катта халқаро обрў-эътиборга сазовор бўлган буюк давлат билан мустаҳкам дўстликни ва кўпгина соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга муваффақ бўлганлигидан астойдил мамнуният ҳис этмоқдаман. Бугунги кунда бизнинг муносабатларимиз юксак даражага кўтарилган бўлиб, муттасил кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифингизни, деб давом қилди Президент, мен дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга бўлган истагингизнинг, ҳар иккала томон истагининг ифодаси деб, шунингдек шахсан Сиз ва барча Совет раҳбарлари Кипр проблемасига қизиқишининг ифодаси деб биламан. Кипр проблемаси мамлакатимиз доираси билангина чекланиб қолмади, балки кенг халқаро характер касб этди, ҳақиқатан ҳам жаҳон проблемасига айланиб қолди. Кипр билан бўлган воқеада бизнинг озодлигимиз ва мустақиллигимиз, БМТ устави, халқаро ҳаёт принциплари ва нормалари бузилди, халқаро ҳуқуқ поймол этилди.

Бизнинг музокараларимиз ва мамлакатингизнинг турли республикалари бўйлаб қилинадиган сафар менга яна совет халқининг СССР ташкил этилган пайтдан буён ўтган нисбатан қисқа, 60 йиллик даври ичида турли соҳаларда эришган янги катта ютуқларини шахсан баҳолаш имкониятини беради.

Президент жаноблари!

Ҳамманинг комил ишончи ва эътироф этишича, бугунги кунда инсоният қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Бутун планетада ялпи қирғин қуроли мисли кўрилмаган даражада тўпланганлиги бунинг асосий сабабидир. Бундай аҳволдан шахсан Сиз ва Совет ҳукумати нақадар ташвишланаётганлигингизни ҳамда ўнгарилмас ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган бу жараённи тўхтатиб қолишни сиз қанчалик истаётганлигингизни биламан.

Бу мутлақо табиийдир, чунки. Сизнинг мамлакатингизда ўтган уруш ҳали хотирадан кўтарилгани йўқ. Сиз бир пайтлар мутлақо тўғри айтганингиздек, «уруш йўлларини босиб ўтган киши унинг сабоқларини унута олмайди». Бу сабоқлар эса тинчликка интилишдир.

Сиз вақти-вақти билан кўрсатаётган тегишли ташаббуслар халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликдан манфаатдор эканлигингизнинг далилидир. Қуролланиш пойгаси давом этаётганлигидан ва у келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарлардан биз ҳаммамиз ташвишланмоқдамиз. Биз кескинликни юмшатиш ва қурол-яроғларни чеклашдан бошқа йўлни кўрмаяпмиз. Биз тинч-тотув яшаш ишида ўтган ўн йил мобайнида эришилган ютуқларни сақлаб қолиш учун самарали халқаро контроллик остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлида янги қадамлар қўйилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Қурол-яроғларга сарфланаётган ақл бовар қилмайдиган маблағлар тинч мақсадларга сарфланган тақдирда планетамизнинг қиёфаси ҳам, инсониятнинг турмуши ҳам ўзгариб кетади. Қуролсизланишга бағишланган Женева музокаралари ўзаро ишончсизликни бартараф этишга олиб келишини ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчлик йўлини бошлаб беришини астойдил истайман.

Мен биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида Совет Иттифоқи бир томонлама тартибда қабул қилган мажбуриятни, шунингдек Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг ўтган йилги сессиясида эгаллаган позицияни алоҳида табрикламоқчиман. БМТ Бош Ассамблеясининг ўтган йилги сессияси ядро қуроли ишлатилишини инсониятга қарши жиноят деб эълон қилган эди.

Биз сизларнинг мамлакатингиз барча давлатлар ўзаро муносабатларида куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш мажбуриятини қабул қилишларини қаттиқ талаб этиши хусусида Бош Ассамблеянинг шу йилги сессиясида СССР ташқи ишлар министри А. А. Громыко айтган сўзларини ҳам мамнуният билан қабул қилдик.

Кипр учун, деб давом қилди С. Киприану, куч ишлатишдан воз кечиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир, чунки саккиз йилдан кўпроқ вақт муқаддам Кипр территориясининг анчагина қисми Туркия қуролли кучлари томонидан босиб олинган эди ва ўша пайтдан буён Туркиянинг назорати остида қолиб келмоқда.

Президент жаноблари, мамлакатимнинг проблемаси Сизга яхши маълум. Эътибор бераётганлигингиз ва бебаҳо мададингиз учун биз неча марталаб астойдил миннатдорчилигимизни изҳор этиш имкониятига эга бўлганмиз, деб таъкидлади сўнгра у. Проблеманинг кўлами ва қалтис характери ҳамон сақланиб қолаётганлигини шунчаки таъкидлашни истардик. Кипр ва Кипр халқи ҳамон сунъий равишда ажралиб турибди. Вазифа БМТнинг кўпдан-кўп резолюцияларига ва қўшилмаслик ҳаракатининг декларацияларига мувофиқ шу оккупацияга барҳам беришдан иборатдир.

Ажнабийларнинг ғаламисликлари ва аралашуви натижаси бўлган Кипр проблемаси агар иш оролдаги икки жамоанинг уйғун равишда тинч-тотув яшаши йўлларини қидириб топишдан иборат бўлганида эди жуда қисқа муддатларда ҳал этилиши мумкин бўлар эди. Музокаралар аллақачондан бери олиб борилаётган бўлсада, бу музокараларда афсуски биз томондан кўрсатилаётган холис ниятга қарамай, бирон бир силжишга эришилгани йўқ. Ҳатто фожиали равишда бедарак йўқолган кишиларнинг тақдирини аниқлашдан иборат инсонпарварлик проблемасини ҳал этишда ҳам силжиш бўлмади, деди С. Киприану.

Биз батамом мустақил, суверен, территориал бутун федератив, ягона, демилитарлаштирилган ва қўшилмаган Кипр Республикасини вужудга келтиришга интилмоқдамизки, бундай республикада истисносиз барча гражданлар эркин яшаб, умумий тараққиёт ва равнақ йўлида ҳамкорлик қиладиган бўладилар. Бизнинг ниятимиз ва мақсадимиз Кипрни унинг барча аҳолиси учун бахтиёр ватанга, бизнинг сертащвиш регионимиздаги дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айлантиришдан иборатдир. Гўё кичик бир Кипр ўз қўшнилари, жумладан Туркия учун хавф солиши мумкин деган даъволар, ҳеч шубҳасиз, мудҳиш ва асоссиз кулгили бир гапдир. Ҳеч сўзсиз, биз Кипрнинг батамом қуролсизланишини ва демилитарлаштирилишини истаймиз ва ҳозирдаёқ шу хусусда таклифни олға сурдик. Бунинг учун мустаҳкам халқаро гарантиялар зарурлиги шубҳасиздир.

Маълумки, Кипр проблемасига бағишлаб БМТ раҳбарлигида муътабар халқаро конференцияни чақириш тўғрисидаги Совет таклифини аввал бошданоқ қабул қилдик. Мамлакатингизнинг Кипр масаласидаги позицияси шундан далолат берадики, шахсан Сиз ва сизларнинг ҳукуматингиз ушбу проблеманинг бартараф этилмаслигидан келиб чиқадиган хавф-хатарни, шунингдек унинг БМТ қарорларига мувофиқ Кипр халқи бахт-саодатини кўзлаб ҳал этиш зарурлигини тўғри баҳоламоқдасизлар. Совет Иттифоқи Кипр проблемасини адолатли ҳал этиш ишида, бутун дунёда тинчлик ва адолатни мустаҳкамлаш ишида яна ҳам каттароқ роль ўйнаш имкониятига эга эканлигига аминман ва у шундай роль ўйнашига шубҳаланмайман ҳам.

Ҳозирги дунёда афсуски кескинлик, можаролар ва хунрезликларнинг кўпдан-кўп манбалари мавжуд.

Биз билан қўшни районда мана кўп йиллардан буён фаластин халқи ўзининг асосий ҳуқуқларидан, шу жумладан ўзининг мустақил ва суверен ватанига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб келмоқда. Исроилнинг яқинда Ливанга қилган мудҳиш агрессияси проблемани адолатли ҳал этишга эришиш ниҳоятда зарур эканлигини кўрсатдики, бу ҳол ўзининг бирдан-бир қонуний вакили — Фаластин Озодлик ташкилоти раҳбарлигида кураш олиб бораётган фаластин халқининг ҳуқуқларини тиклаган бўлур эди. Халқаро жиноят — фаластинлик бегуноҳ граждан аҳоли ёппасига қирғин қилинганлиги Исроил мудҳиш агрессиясининг энг юқори нуқтаси бўлди.

Ливан ва фаластин халқларига қарши ваҳшиёна жиноятлардан биз Кипрдагилар бошқа барча халқлар билан бирга жуда қаттиқ қайғурдик. Биз қурбонлар ва жабрдийдаларга ёрдам бериш учун бутун кучимизни сарфладик. Биз қўллаб-қувватлашнинг бошқа кўринишлари билан бир қаторда қўшилмаслик ҳаракати координацион бюросига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Фаластин масаласига доир конференциясини Кипрда ўтказиш учун имконият яратиб бердик.

Президент С Киприану қўшилмаслик ҳаракати доирасида, БМТда ва бошқа анжуманларда Кипр Фаластин масаласини ва бошқа халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш мақсадида бундан буён ҳам актив роль ўйнашини таъкидлади. Қўшилмаслик ҳаракати асосчиларидан бири бўлган Кипр мазкур ҳаракатнинг принципларига ҳамда ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда шу ҳаракат ўйнаши мумкин бўлган янада ижобий ролга қатъий ишонади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашининг давоми бўлган Мадрид учрашувида ҳам Кипр Европадаги қўшилмаган ва бетараф мамлакатлар группасига кириб, ўзининг конструктив ролини ҳамон актив бажариб келмоқда.

Президент жаноблари, яна бир неча кундан кейин сизлар Октябрь революциясининг 65 йиллигини, шу йилнинг охирида эса Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қиласизлар.

Шу муносабат билан Кипр халқи ва ҳукумати номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан табрикларни ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларига доимий тинчлик, муттасил тараққиёт ва омон-эсонлик шароитида бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган истакларимни қабул этишингизни сўрайман. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг кейинги 60 йил мобайнида истисносиз барча соҳаларда эришган ютуқлари ҳақиқатан ҳам ғоят катта бўлиб, улардан қойил қолса арзийди ва бу ютуқлардан фахрланиш учун сизларга тўла ҳуқуқ беради. Бугунги кунда сизларнинг ватанингиз — қудратли ва ҳурматга сазовор мамлакат, ҳозирги тарихий майдондаги салобатли буюк давлатдир. Ҳеч шубҳасиз Октябрь революцияси ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилганлиги жаҳон ривожига чуқур таъсир ўтказган тарихий аҳамиятга молик воқеалар бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев жаноб олийларининг, СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихонов жаноб олийларининг, шу ерда ҳозир бўлган барча атоқли совет раҳбарларининг соғлиғи учун, Кипр билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик учун, халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожи учун қадаҳ кўтаришни таклиф этишимга ижозат бергайсизлар!

* * *

Л. И. Брежнев ва С. Киприану нутқлари эътибор бериб тингланди ҳамда давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).



Наманган области. В. И. Ленин номидаги Поп аграр-саноат бирлашмасига қарашли асаларичилик совхози меҳнатчилари юбилей йилида 90 тонна шифобахш ва лаззатли маҳсулот етиштиришга аҳд қилишган. Хўжаликда асаларичи С. Саидовнинг оилавий звеноси яхши меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: оилавий звенонинг кенжа аъзоси — Руқияхон Саидова иш устида. Х. Ҳайдаров фотоси.

(ЎзТАГ).

АСАЛАРИЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Китоб районидаги асаларичилик совхози коллективи юбилей йилида яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Улар асал олиш йиллик планини ошириб бажардилар. Бу йил пландаги 37 тонна ўрнига 38,5 тонна асал етиштирилди. Давлатга 36 тонна асал сотилди. Ҳар бир асалари уясидан 19 килограммдан асал олинди. Бундан ташқари медицина учун 800 килограмм мум тайёрланди.

Бу ютуқда Саид Розиқов бошлиқ асаларичилар бригадаси аъзоларининг муносиб ҳиссалари бор. Улар йиллик планни 120 процент адо этдилар. Пландаги 13,8 ўрнига 16,7 тонна асал етиштирилди. Комил Қодиров 120 асалари уясининг ҳар биридан 28,5 килограммдан асал етиштиришга муваффақ бўлди. Саъдулла Ҳомидов, Саъдулла Абдуллаев, Асрор Валиев каби асаларичилар ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Юбилей йилида совхозда 4 та янги звено ташкил қилинди. Булар йиллик планларини ортиғи билан ўринлатдилар. Тошкентдаги асаларичилар тайёрлаш бир йиллик мактабида 11 киши, Самарқанд зооветеринария техникумида 4 киши ўқияпти. Совхозда асаларичилик янада ривожланади. 1985 йилга бориб, асаларилар уяси сони 4000 тага етказилади, 80 тонна асал етиштирилади.

С. РУСТАМОВ,

ДАШНОБОД БОҒЛАРИ НЕЪМАТЛАРИ

Сариосиё районидаги «Коммунизм» аграр-саноат бирлашмасидаги анор шарбати тайёрлаш цехи янги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Анор етиштириш учун ихтисослашган «Дашнобод» совхози бирлашмага энг кўп маҳсулот етказиб беради. Қарийб минг гектар майдондан иборат хўжалик боғларининг маҳсулоти Сурхондарё областидан ташқари жойларда ҳам машҳурдир. Анорнинг бу ерда етиштирилаётган «Қозоқнанор», «Қизиланор» ва бошқа навлари серҳосиллиги, ажойиб мазаси билан ажралиб туради, уни узоқ жойларга ҳам ташиш мумкин.

Совхоз анор боғлари ҳосилининг кўп қисмини мамлакатнинг энг олис районларига жўнатмоқда.

Сурхондарё области (ЎзТАГ мухбири).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИКНОМАСИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

НУКУС

Республика давлатга дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планларини муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган табрикномани Нукусда бўлиб ўтган митинг қатнашчилари янги меҳнат жасоратларига руҳлантирувчи ҳужжат, деб атадилар.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов табрикнома текстини гулдурос қарсаклар остида ўқиб эшиттирди.

— Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасининг самимий сўзларида партия ва ҳукумат суғориладиган деҳқончиликни муттасил ривожлантириш тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги ўз ифодасини топди, — деди ўз нутқида «Майоб» совхозининг бригадири Райгул Жумамуратова. — Бу сиёсат тобора салмоқли самаралар бермоқда. Бу самаралар Ўзбекистон деҳқонларининг Леонид Ильич табриклаган меҳнат ғалабасида яққол кўриниб турибди. Давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш топшириқларини ошириб адо этган Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ҳам бу ғалабага яхши ҳисса қўшганлигидан хурсандмиз.

Сўзга чиққан кишилар таъкидлаб ўтишганидек, ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми, СССРнинг Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд резервларни қидириб топиш ва улардан яхшироқ фойдаланишга йўллайди. Шоли экиш учун қўриқ ерларни жадал ўзлаштириш соҳасида барча чораларни кўриш керак. Яқин йиллар ичида шолининг ялпи ҳосилини бир миллион тоннага етказиш учун реал имконият мавжуд. Боғдорчиликни ривожлантириш Автоном Республиканинг катта резервидир. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш давлатга сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари сотишни ҳам анча кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистон меҳнаткашларига йўлланган табрикнома, дейишди нотиқлар Қорақалпоғистон деҳқонларининг меҳнат, ғайрати ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди. Улар ўзларининг бутун куч-ғайратларини етиштирилган пахта ҳосилини даладан тезроқ йиғиштириб олишга ва юбилей социалистик мажбуриятларида кўзда тутилган 450 минг тонна «оқ олтин»ни ватанга топширишга, шоли ўрим — йиғимини қисқа муддатларда тугаллашга ва беш йилликнинг учинчи йили ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлашга сарфламоқдалар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин иштирок этди.

САМАРҚАНД

Катта меҳнат ғалабаси — давлатга дон, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари муддатидан илгари бажарилганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон деҳқонлари барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасига бағишланган митингда область агросаноат комплекси хўжаликлари ва корхоналарининг ишлаб чиқариш илғорлари, партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Митингни Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев очди. Митинг аҳли у ўқиб берган табрикнома текстини гулдурус давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Митингда сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида, барча қардош республикаларни социал-иқтисодий жиҳатдан муттасил равнақ топтириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневга якдиллик билан қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар. Самарқанд область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, Озиқ-овқат программаси вазифаларини амалга ошира бориб, дон етиштириш ва тайёрлаш юзасидан беш йиллик икки йили топшириғини муддатидан илгари адо этдилар, давлатга мева сабзавот, узум, пилла, қоракўл тери, жун сотиш юзасидан шу йилнинг планларини муваффақиятли бажардилар.

Самарқандлик деҳқонлар Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун шу кунларда область пахтазорларида қизғин кураш давом этмоқда. Пахтакорлар табиат инжиқликларини бартараф эта бориб, юбилей йилида белгиланган Самарқанднинг камида 530 минг тонна «оқ олтини»ни йиғиб териб олиб, давлатга сотишдан иборат марра сари зўр бериб интилмоқдалар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этди.

НАМАНГАН

Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланиб, область меҳнаткашлари намояндаларининг митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Ўзбекистон деҳқонларининг, мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашда иштирок этган барча кишиларнинг меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун, совет кишиларининг фаровонлигини ва турмуш даражасини ошириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга, шахсан Леонид Ильичга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Митинг аҳли ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар, табрикнома текстини Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. К. Камолов ўқиб эшиттирди.

Республика меҳнаткашларининг муваффақиятларида Наманган области ғаллакорлари, боғдорлари, сабзавоткорлари ва соҳибкорлари меҳнатининг улуши борлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Юбилей йилида областда биринчи марта 47 минг тонна дон тайёрланди, давлатга 118 минг тоннадан ортиқ сабзавот сотилди. Ватан ўтган йилгидан анча кўп миқдорда мева, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари олди. Юбилей йилининг юксак социалистик мажбуриятлари ҳисобига боғ ва пайкаллар ҳосилини сотиш давом этмоқда.

Шу кунларда «оқ олтин» теримини тезроқ тугаллаш, кузги-қишки дала ишларини қисқа муддатларда ва юқори савияда ўтказиш, чорва қишловини муваффақиятли ташкил этиш ва техникани кўкламга шайлаш областдаги барча меҳнаткашларнинг бош вазифаси, шон-шараф иши эканлигини митинг қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этди.

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Республикамизда партия ташкилотлари ҳаётидаги муҳим сиёсий кампания — ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли якунланмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партбюро, маъмурият, юқори ташкилотлар фаолиятини яхшилашга оид 22 мингдан ортиқ танқидий фикр, мулоҳаза, амалий таклифлар билан чиқдилар. Улардан 8 мингдан зиёдроғи амалда жорий этилди. Хотин-қизлардан 3925 киши, колхозчи ва ишчилар синфи вакилларидан 1280 киши, халқ хўжалиги мутахассисларидан 2800 киши бошланғич партия ташкилоти секретарлигига сайланди.

НАМАНГАН. «Пятилетка» нотўқима материаллари фабрикаси бошланғич партия ташкилоти коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпланар эканлар, партбюронинг амалий фаолиятига юқори баҳо бердилар. Дарҳақиқат, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақани ташкил этиш, план-интизомини мустаҳкамлаш масалалари партбюронинг доимий диққат-марказида бўлмоқда. Натижада корхонада иш вақтининг йўқотилиши кескин камайиб, меҳнат унумдорлиги 11,4 процентга ошди. 500 га яқин ишчи коммунистик меҳнат ҳаракатида актив иштирок этмоқда. Улардан 210 ишчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак ном эгасидир. Шуниси диққатга сазоворки, коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида самарали меҳнат қилиб, сўз ва шахсий ибратлари билан барчага намуна бўлмоқдалар. Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегати Д. Ғойипова, Н. Янковская, М. Ғайбуллаевлар бир беш йилликда икки беш йиллик план миқдорида иш бажариш юзасидан зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлаётирлар.

Наманган колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистларнинг актив иштирокида, танқид ва ўз ўзини танқид руҳида ўтди. Илғор ишчи Х. Шерматов сўзга чиқиб, бошланғич партия ташкилоти қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, қувватларни ўз вақтида ишга тушириш, социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда етарли фаолият кўрсатмаётганлигини танқид қилди. Нотиқ «Шербулоқ» совхозидаги уй-жой бинолари қурилиши пайсалга солинаётганлигини айтиб, бошланғич партия ташкилоти эътиборини коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратди.

Жумашўй йўл қурилиши ва фойдаланиш участкаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ишчанлик руҳида ўтди. Бошланғич партия ташкилоти секретари Қ. Қорабоевнинг ҳисобот докладида ва музокара иштирокчиларининг нутқларида материал техника таъминотида узилишларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ўз вақтида транспорт воситалари ва қурилиш материаллари етказиб бермаётган район автокорхонаси ҳамда Оқтош асфальт-бетон заводи раҳбарлари адресига танқидий гаплар айтилди. Пировардида коммунистлар участкага қарашли техника паркининг қувватини, ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини оширишга қаратилган таклифларни ўртага ташладилар.

ТОШКЕНТ. Ўрта Чирчиқ районидаги тикувчилик фабрикасининг масъулиятли участкаларида кўпгина коммунистлар меҳнат қиладилар. Улар ишлаб чиқаришда иш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан қимматли таклифлар билан майдонга чиқмоқдалар. Илғор тўқувчи У. Ким хайрли ишлари билан коллектив ҳурматига сазовор бўлган коммунистлардан. Моҳир тўқувчи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиқиб, фабрика чеварларининг зиммага олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш, йиллик топшириқни муддатидан 20 кун олдин ўринлаш таклифини илгари сурди. Коммунист чақириғининг корхона учун катта иқтисодий нафи бор: таклиф амалга ошса қўшимча 12 минг сўмлик фойда олиш имкониятига эга бўлинади.

САМАРҚАНД. «Узгоссельхозтехника»нинг Оқдарё район бирлашмаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига пухта тайёргарлик кўргандилар. Характерлиси шуки, корхонадаги 57 коммунистнинг 47 нафари ҳисобот-сайлов йиғилишига йиллик шахсий мажбуриятларини бажарганликлари ҳақидаги меҳнат рапорти билан келдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистларнинг жанговарлигини ошириш, топширилган иш учун шахсий масъулиятни кучайтириш билан актив ҳаётий позициясини шакллантиришга қаратилган резолюция қабул қилинди.

ФАРҒОНА. «Искож» заводида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия бюросининг ташкилотчилик ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Завод коллективи область хўжаликлари учун зарур буюмлар ишлаб чиқаради. Музокара иштирокчилари партия бюросининг ишлаб чиқаришни самарали тус олдириш учун бригада пудратини кенг жорий қилишга алоҳида аҳамият бераётганлигини уқтириб ўтдилар. Бинобарин, заводда бригада пудрати асосида ишлаётган коллективлар 12 тага етди. Йил охиригача янги усулда ишловчи цехлар сони 32 тага кўпайтирилади.

УРГАНЧ. Хоразм область газлаштириш бирлашмасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида тежамкорлик ҳаракатини авж олдириш, ремонт-техника хизматини яхшилаш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтаришда партия ташкилотининг ибратли фаолият кўрсатаётганлиги таъкидланди. Ишчилар комитетининг раиси С. Казаковнинг танқидий фикри йиғилиш қатнашчилари эътиборини жалб қилди. У коллективда партия йиғилишлари вақтида, яхши тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилмаётганлиги, ижрони текшириш қониқарсиз ташкил этилганлиги, оқибатида қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетаётганлиги ҳақида куйиниб гапирди.

Хива гилам тўқиш комбинатининг тўқувчиси О. Жабборова йиғилишда сўз олиб, корхонада ишчиларнинг меҳнат ва уй-жой шароитини яхшилаш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, намунали дам олишни уюштириш ишларига партбюро яқиндан раҳбарлик қилмаётганлигини танқид қилди. Коммунистнинг танқидий мулоҳазаси эътиборга олиниб, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар КПСС Марказий Комитети май Пленуми ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Боку тантаналарида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар асосида ўзларининг жанговар вазифаларини белгилаб олмоқдалар.

Ҳеч кимнинг бурчи ва виждони энг асосий ишимиздан—сув тақчиллиги ва об-ҳаво инжиқликларининг жуда қийин шароитларида етиштирилган мўл ҳосилни тўла-тўкис териб олишдан четда қолишга йўл бермайди.

(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан).

МАВСУМ ДАЪВАТИ

ҚУРИҚ ИЛЬИЧ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ МУРОЖААТГА ЖАВОБАН ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТМОҚДАЛАР

Кенг, равоп кўчаларни тўлдириб, файз киритиб оппоқ пахта карвони боряпти. Йўлат аравалардаги «оқ олтин»дан атрофга нур таралади, кўнгилларни нурафшон этади, қалбларни чексиз фахр ҳисси чулғайди. Оппоқ пахталарда азамат деҳқонларнинг кўз нури, қалб кўри мужассам. Мана шу пахтадан чўлқуварларининг катта хирмони қад ростлаяпти.

Пахта учун қурашнинг мана шу ҳал қилувчи палласида республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган район меҳнаткашлари янада ғайрат ва шижоат билан ишга киришдилар. Бу ерда ҳамма ўзини пахтакор деб билмоқда. Пенсионер отахонлар ҳам, ўқувчи, студентлар ҳам—ҳамма-ҳамма далада. Уфқ билан туташиб кетган поёнсиз пахта далаларида агрегатлар хайқириги эрта тонгдан кеч шомгача тинмайди. Чевар теримчилар ва ҳиммати баланд ҳашарчилар қайноқ меҳнат қучоғида жавлон уришяпти.

Чаноқларда чарақлайди,
Юлдузлардай ярақлайди,
Ҳой, чаққонлар қайдасиз деб,
Суюб элни сўроқлайди.
Олтиндан ҳам олдин пахта,
Уни териш бизга бахт-а!
Онтимиз шу, нонимиз шу,
Омбор тўла донимиз шу,
Кон ҳам тугар, ой пахтачи,
Ҳеч туганмас конимиз шу.

Район пахта штабига келаётган хушхабарлар оқимининг эса кети узилмайди. Илғорлар эришаётган муваффақиятлар қўйидаги сатрларда жамланади.

«Ҳаётулла Мақсудов бошлиқ бригада ларшунослари Титов номли совхозда биринчилар қаторида мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан 22 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиб олишди. Ғолиб коллективнинг нияти ҳосилдорликни 50 центнердан оширишдир».

«Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Сотиболди Душанов, Назар Бойқулов, Мамарозиқ Бекмирзаев бошлиқ бригада коллективлари 30 центнердан ошириб хирмон кўтардилар. Бу бригадаларда топширилган пахтанинг 85—90 проценти «пўлат этак»лардан бўшатилди. Содиқ Эргашев, Ўрин Тойлоқов, Турғунбой Алимов каби механик-ҳайдовчилар 150—180 тоннадан ошириб пахта тердилар. Ларшунослар янги давон сари дадил интилишмоқда. Марра 40 центнер».

Биз Юрий Гагарин номли совхозда бўлганимизда бу ерда йиғим-терим ишлари аниқ график асосида олиб борилаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Хўжаликнинг илғор бўлим ва бригадаларида йиллик план ошириб бажарилган. Айниқса, Омон Қулбўтаев бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорлари мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Улар 300 гектар шўрхок ердан 25 центнердан ошириб пахта йиғиб олишди. Мана шундай шароитда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун деҳқонлар бутун маҳорат ва тажрибаларини ишга солдилар.

— Пахта сифати доимий эътиборимизда, — дейди совхознинг илғор бўлим бошқарувчиси Карим Турдиев. — Ҳозиргача топширилган пахтанинг ҳаммаси юқори сифатларга қабул қилинди.

Тола сифати ҳақида деҳқонлар бу йил ҳар йилгидан кўпроқ қайғуришмоқда. Чунки тола сифатини ошириш ҳозир асосий вазифалардан бири қилиб қўйилмоқда. Бу ишда айниқса механизаторлар маҳорат кўрсатмоқдалар. Х. Абдураимов, Ж. Турдиев, М. Маҳмудов каби дала гвардиячилари пахта сифати жонкуярлари ҳисобланишади. Ана шу фидоий механизаторлар ғайрат-шижоати туфайли хўжалик пахта тайёрлаш йиллик-планини ошириб ado этди. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 170—180 тоннадан «оқ олтин» териб хирмонга катта ҳисса қўшдилар.

Пахта далаларида ҳосил йиғим-терими қизғин давом этаётган шу кунларда биринкетин зафар маррасига етиб келаётган хўжаликлар мажбурият ҳисобига ҳосил топширишни давом эттирмоқдалар. Бу ерда ҳамма бир бўлиб катта хирмоннинг юксалишига муносиб ҳисса қўшяпти. Райондаги Ҳамид Олимжон номли, Алексеевский номли совхозлар ҳам иккинчи давон сари дадил одимламоқда.

Атоқли шоиримиз номи билан аталувчи совхоз меҳнат аҳли оғир чўл шароитида мардонавор меҳнат қилиб катта бойлик яратмоқда. Улар йил бўйи 2280 гектар майдонда ғайрат билан меҳнат қилиб мажбуриятни қондайдиган даражада мўл ҳосил тўпладилар. Мана энди етиштирилган пахтани териш юксак уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ҳадемай совхоз меҳнат аҳли ғалаба нашидасини тотади. Пахта учун қурашда чевар теримчилар, маҳоратли механик-ҳайдовчилар пешқадамлик қилишмоқда. Ана шулардан бири Бозорбой Шерқўзиевдир.

— Илғорлар тажрибаси бизга қўл келди, — дейди моҳир механизатор. — Йиғим-теримни Тошкент технологияси асосида ташкил этдик. Натижада ҳозиргача 200 тоннадан ошириб пахта теришга муяссар бўлдим.

Пахтазорларда меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Совхоз ларшунослари оби-ҳавонинг қулай кунларидан унумли фойдаланиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳашарчилар ҳам ишчиларга яқиндан ёрдам беришяпти. Чўлқуварларнинг бу йилги аҳди район хирмонига 7 минг тонна пахта етказиб бериш билан ҳисса қўшишдир.

Район пахтазорларини айланар эканмиз, ҳамма ерда юксак уюшқоқлик билан меҳнат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Терим-транспорт отрядлари тез ҳаракат қилишяпти. Ҳосилнинг бирор граммини ҳам қолдирмай барвақт териб олиш учун бор куч сафарбар этилмоқда. Айниқса, Титов номли совхоз далаларида ҳамма бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қиляпти. Улар бу йил давлатга 13 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилганлар. Шу кунгача хўжаликда ҳар бир терим машинаси билан ўртача 100 тоннадан пахта терилди.

— Хўжалигимизда 45—50 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёйган, — дейди совхоз директори Ёқубжон Файзуллаев. — Ана шундай илғор бригадалар қаторига кирган Эсонбой Темиров, Олиш Қўшимов, Файзулла Алимов, Эрназ Қўзибоев бошлиқ коллективлар ҳозиргача ҳар гектар ердан 35—40 центнердан ҳосил кўтардилар. Уларнинг ақдлари қатъий. 50 центнерлик марра албатта забт этилади.

Чўл шароитида 40 центнердан ҳосил кўтариш деҳқондан катта тажриба, маҳорат талаб қиладиган иш. Қолаверса шароит қатъият ва иродани ишга солишни тақазо қилади. Ильичликлар ана шундай иродали, аҳдига содиқ деҳқонлардир. Уларнинг бу йилги ишлари эл хирмонига 80 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш. Бу йўлда район коммунистлари дала ишларида ибрат бўлиб барчани меҳнатга, жасоратга ундашяпти.

— Йиғим-теримда коммунистлар катта ташкилотчилик кўрсатишяпти, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Содиқжон ака Отахонов. — Юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун идеология ишининг барча форма ва методларидан кенг фойдаланяпмиз. Социалистик мусобақани намунали ташкил этиш муваффақият омили бўлиб хизмат қиляпти. Хўжаликлараро, ғалаларни ташкилотлар ўртасидаги мусобақалар ҳар беш кунда якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантиряпти. Илғорларнинг ютуқларидан ўрнак олаётган коллективлар теримда пешқадам бўлишмоқда. Биз улар тажрибасини кенг ёйишга, омилкорлик билан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Ильичликларнинг катта карвони манзил сари дадил одимламоқда. Далаларда юксак хирмонни тезроқ бунёд этиш йўлида қизғин қураш давом этяпти. Бу ерда ҳар бир меҳнат қишиси етишгирилган мўл ҳосилни тўлатўкис териб олишга, бирор грамм ҳам пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка интилмоқда. Мана шу ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик, фидокорлик уларни тобора нурли манзил сари яқинлаштиряпти.

У. ЮСУПОВ,
Н. ТЎРАЕВ,
Сирдарё области.



СУРАТЛАРДА: 1. Титов номли совхоз директори Ёқубжон Файзуллаев (ўнгда) бригада бошлиқлари Юнус Қорабоев, Файзулла Алимов ва механизатор Ойтўра Алматовлар билан келгуси ишлар хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Гагарин номли совхоз партия ташкилотининг секретари Й. Эшонқулов 3-бўлим бошқарувчиси К. Турдиевга кўчма вимпель топшираётир.

А. Тўраев фотолари.

БАРАКА — БУНКЕРЛАРДА

Чўлқуварлар орзиқиб кутган дамлар келди. Далаларда меҳнат суроні авж олиб кетди. Чеки йўқ пахта пайкаллари узра меҳнат завқи, бунёдкорлик мусиқаси баралла жаранглаяпти. Дўстлик районидаги Ленин номли совхозтехникум далаларида бўлганимизда шундай манзарага дуч келдик.

Хўжаликнинг 7-бўлимига қарашли Қўчқор Исроилов етакчилик қилаётган бригада суворийлари дастлабки кундан бошлаб ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Мазкур бригадада юбилей йилида ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилинган. Бригада бошлиғининг ўзи ҳам бевосита теримда иштирок этяпти. У ўз агрегати билан 250 тонна «оқ олтин» бўшатиш истагини билдирган. Суворийларнинг ғайрат-шижоати билан дастлабки теримдаёқ 31 центнердан хирмон кўтариб, йиллик план уч иш кунида ado этилди. Ҳозир мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширилмоқда.

Механизаторлар машина терими — иш унуми эканлигини амалда исботлашяпти. Пахтазор денгизида сузиб бораётган агрегатларга кўз ташлаган кишининг қалбя қувончга тўлади, завқ-шавқи ошади. Агрегатлар бамисоли елканга ўхшайди. «Пўлат от» жиловкорлари ўз машиналарини моҳирлик билан бошқариб боришмоқда. Шпинделлар момиқ пахталарни домига тортиб бункерга узатади. Агрегатлар пайкал охирига бориб қайтар-қайтмас бункерлар ҳосилга лиқ тўлади. Дала четидаги тележкалар эса ҳосилга мунтазир гуриб-ди. Ҳосимжон Отажонов бункердаги пахтани тележкага бўшатди. Унинг кетидан Остонақул Думаев, Маматқодир Тошлонов, Алишер Акбаров, Абдулҳай Зулфиневлар ҳам бункерни енгиллатишди. Тез орада «оқ олтин»га тўлган тележкалар карвони пахта пункти сари йўл олди.

Юқорида номлари зикр этилган ҳар бир механизатор мавсумда 200—250 тонна дур териб бориш мажбуриятини олган. Буларга техника сирларини моҳир механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов ўргатган. Ҳозир қаҳрамон механизаторнинг ўзи пахта теримида пешқадамлик қиляпти. У ҳар куни ўз агрегати бункеридан 15—16 тоннадан дур бўшатишга эришмоқда. Тўланнинг мавсумдаги нияти юксак. 600 тонна пахтани бункеридан бўшатмоқчи.

Айни кунларда совхозтехникум далаларида 154 та терим машинаси, 8 та терим-транспорт отрядига бўлиниб ишламоқда. Давлатга топширилаётган ҳосил кунига йиллик планнинг 5—6 процентини ташкил этмоқда. Ҳадемай бу кўрсаткич янада ортади. Механизаторлар суръатини ошириш чора-тадбирларини белгилаб иш тутмоқдалар. Техникага таяниб иш тутаётган бригадаларда бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекилмоқда. Ана шундай зафар завқини Қосимжон Отажонов, Рашид Нурлибоев ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бригада пахтакорлари ҳам тотишга сазовор бўлишди. Мазкур бригадаларда ҳар гектар ердан 29—30 центнердан хирмон кўтарилиб, дастлабки марра ортда қолди. Ҳадемай мажбурият ҳам шараф билан уддаланади. Бу бригада ишчилари ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Т. СОИНАЗАРОВ.

МИСҚОЛИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида фидокорона меҳнат қилаётган колхозимиз пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Она-Ватан ҳазинасига ҳозиргача хўжалигимиз топширган пахта 6560 тоннадан ошиб кетди. 90 процент ҳосил биринчи сортларга сотилди.

Хар йилгидек бу йил ҳам техника қучидан самарали фойдаланилди. Терим-транспорт отрядларига кенг ишфронти яратилди. Натижада ялпи хирмоннинг 85 проценти ёки 5571 тоннаси «зангори кема»лар билан териб олинди. Йиғим-терим ишларини ипатоволиклар методи асосида ташкил этганлигимиз қўл келди. Бир неча кундан бери район хўжаликлари ўртасида карвонбошиликни қўлдан бермай келаётирмиз.

Колхозчиларнинг, олиҳимат ҳашарчиларимизнинг кўрсатаётган ғайрат-шижоатлари туфайли бир неча беш кунликдан бери район партия комитети, район ижроия комиети, район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келяпмиз.

Йиллик планни бажарган Мамажон Мирзақулов, Тўра Олланазаров, бошлиқ участкаларда айниқса, мўл ҳосил етиштирилди. Бу коллективлар етиштирган ҳосилнинг 1300—1500 тоннаси биринчи сортга сотилди. Йиллик маррани биринчилардан бўлиб ортда қолдирган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдубашир Усмонов, Адолат Рўзматова бошлиқ бригадаларда 60—65 центнерлик ҳосил учун курашилмоқда. Мамажон Дувлаев, Бўрибой Аҳмедов, Бердиқул Турдиқулов, Авазбек Ҳамроқулов бошлиқ бригадаларда эса 50 центнерлик марра учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Колхозимизда йиғим-терим авжига чиққан кунларда 7—7,5 процентгача пахта топширилди. Бу, албатта, машиналар шарофати, «зангори кема» капитанлари ғайрати натижасидир. Мавсумда Мамат Бекмуродов, Исмоил Маъруфов, Абдуғаффор Ғойипов, Суюнбой Турсунбоев ва Мавлуда Эгамназарова каби «пўлат от» суворийлари барчага намуна бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 150—200 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар.

Бугунги қутлуғ кунда йиғ бўйи тер тўкиб ишлаган, куч-ғайратини аямай дугоналарига ибрат бўлаётган кўнгимингилограммчи аёлларга таъзим қиламиз. Оққиз Исматова, Жумагул Раҳимова, Манзура Курбонқулова, Зарғул Жумабоевалар ана шулар сирасига киради. Уларнинг ҳар бири 10—12 тоннадан жавохир териб, муносиб улушларини қўшдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган шаҳарлик мададкорлар ҳам биз пахтакорлар билан бир сафда туриб ҳиммат кўрсатишяпти. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли пахта хирмонимиз тобора юксалиб, мажбурият марраси кун сайин яқинлашмоқда.

Ҳа, бир мисқол ҳам «оқ олтин»имиз ерда қолмайди. Биз терим суръатини бўшаштирмаймиз. Ҳосилдорликни хўжалигда гектар бошига 45 центнерга ялпи ҳосилни эса 9 минг тоннага етказамиз. Бунинг учун бутун куч-ғайратни ишга солганмиз.

О. УСАРОВ,
Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг участка бошлиғи.

ОНА ЮРТИМ ШИОРИ

Ўзбекистон, мактубингга бош ҳарф билан бугун сен
Қалбим-пахта дея ёзданг нажоткоринг—халқингга.
Отландилар корчагинлар, қандоқ қараб турай мен,
Отландилар ўша улуғ пахтанг сари қалбингга.
Пахтанг кўзга тўтиёдир, товланади мисли зар,
Қировларда ҳар чигитни дурдай изламоқдалар!
Биласанми, ўзбек сувин ҳалол қилиб ичганлар,
Граммлардан тонналарни бугун кўзламоқдалар.
Экранлардан, газетлардан пахта маълумотини
Мунтазирлик билан ишлар барча-барча нигоҳлар.
Улоқ кимда кетди, кимлар йўртар суръат отини,
Етти ёшдан етмишгача ҳамма бундан огоҳлар.
Пахта — қувонч,
пахта—ишонч,
пахта—иқбол,
пахта—зар,
Пахта учун қураш демак, она юртим шиори,
Мардлик, жасорат кўрсатмоқ кимга орзу бўлса гар,
Пахтазорда ушалмоқда унинг ният—қарори!

Мукаррама ҒАФФОРОВА.

Хива районидаги «Хива» колхозининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан қўриқ ернинг ҳар гектаридан энг кўп самара олишга қарор қилдилар. Бу колхоз дашту биёбонда ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирмоқда.

Бултур ташкил қилинган ва Саломат Абдиримова бошчилик қилаётган янги бригаданинг пахтакорлари ҳозиргача қўриқ ернинг ҳар гектаридан 41 центнердан пахта териб олдилар. Бу эса топшириқда белгиланган дан 8 центнер кўпдир. Бригада «оқ олтин» теришни давом эттирмоқда. Пахта майдони билан ёнма-ён ерлар текисланмоқда. Келгуси йили пахта етиштириладиган майдон кенгайтирилади.

(ЎзТАГ).

ҚЎРИҚ ЕР «ОҚ ОЛТИН»И

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДАГИ КУЧ-ҒАЙРАТЛАР УЧ ҲИССА ОШИРИЛСИН!

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Армияси ва ҳарбий — Денгиз Флоти раҳбар составининг кенгашида сўзлаган нутқи халқаро жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Чет эл оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқи тинчликни сақлаш учун ва инсоният боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфини камайтириш учун курашдаги куч-ғайратларни икки ҳисса — уч ҳисса оширишга чақираётганини, АҚШнинг кескинликни кучайтириш, қуролланиш пойгасини янада авж олдириш йўлига қарама-қарши ўлароқ кескинликни юмшатишни давом эттириш ва мустаҳкамлаш учун, халқаро хавфсизликни пухталаштириш учун изчиллик билан курашаётганини қайд этмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, деб ёзади **«Нойес дойчланд»** газетаси (ГДР), тинчлик учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтиришга чақириб, империализм халқларнинг тақдири билан масъулиятсизларча ўйнашаётганини уқтириб ўтди. Совет раҳбари тинчлик ва хавфсизликнинг қудратли омили бўлмиш СССР Қуролли Кучларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди. У ядро уруши хавфига қарши курашда ер юзидаги тинчликни қадрловчи барча кишилар билан баҳамжамият ҳаракатини кенгайтириш зарурлигини уқтириб ўтди.

АҚШ ҳукмрон доиралари социализмга сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳужумни кенг миқёсда авж олдириб юбордилар, ўз ҳарбий тайёргарликларини мислсиз интенсивлик даражасига етказдилар, деб таъкидлайди Польшада чиқадиган **«Трибуна люду»** газетаси. Вашингтоннинг агрессив сиёсати дунёни ядро уруши алангасига дучор қилиш хавфини туғдирмоқда. Мана шундай шароитда тинчликни сақлаш учун курашдаги куч-ғайратларни икки ҳисса, уч ҳисса ошириш зарур.

«Вашингтон пост» газетаси Л. И. Брежневнинг нутқини шарҳлаб, бундай деб ёзади: Совет раҳбари Рейган маъмуриятини авантюризмда, дағалликда ва ошкора худбинликда айблади ҳамда унинг сиёсати дунёни ядро урушига олиб келиши мумкинлигини таъкидлади. Л. И. Брежнев тинчлик сиёсатини қатъий туриб ҳимоя қилиб, халқаро вазият АҚШнинг айби билан тинимсиз ёмонлашиб бораётганини ва пайдо бўлаётган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш лозимлигини уқтириб ўтди. Совет раҳбари ҳарбий техника соҳасидаги қураш масалаларини тилга олди, унинг айтишича, бу қураш жуда кескин тус олди. Совет раҳбари бу курашда орқада қолишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлади. **Эн-Би-Си** телекомпанияси бундай деб уқтиради: СССР ХХР билан муносабатларни нормаллаштиришни астойдил хоҳлашини ва бу соҳада ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаётганини Л. И. Брежнев таъкидлади.

Англияда чиқадиган **«Гардиан»** газетаси бундай деб ёзади: Л. И. Брежневнинг нутқи — Совет Иттифоқи ҳарбий техника соҳасидаги курашда орқада қолишга йўл қўймаслик ва Совет Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги юксак даражасини таъминлаш учун етарли потенциалга ва ирода кучига эга эканлиги тўғрисида Ғарбга берилган очиқ-равшан сигналдир.

Л. И. Брежнев, деб уқтиради Франциядаги **«Юманите»** газетаси, Вашингтон ўтказаётган зўравонлик сиёсатини, АҚШнинг мислсиз ҳарбий тайёргарлик даражасини қаттиқ қоралади.

Л. И. Брежневнинг айтишича, деб хабар қилади Ғарбий Германиядаги ДДП агентлиги, жаҳон сиёсатида ҳозир икки йўл бир-бири билан тўқнашмоқда. АҚШ ва унга эргашиб бораётганларнинг йўли — халқаро кескинликни чуқурлаштиришдан, вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштиришдан иборат. Совет Иттифоқи принципиал бошқача йўлдан — кескинликни юмшатиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда.

(ТАСС).

АКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). бу ерда Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини бошлади. Пленум кун тартибига империализмнинг тинчликка таҳдид қилиш сиёсати билан боғлиқ халқаро аҳволнинг муҳим масалалари, шунингдек мамлакатдаги аҳволни демократлаштириш ва бўлажак сайловда партиянинг иштирок этиши билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилиш киритилган. Делегатлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини катта халқаро аҳамиятга молик бўлган воқеа сифатида байрам қилиш тўғрисида резолюция ҳам қабул қиладилар.

Пленум очилишида Австрия Коммунистик партиясининг Бош секретари Атос Фава доклад қилди. У империализмнинг агрессив сиёсати халқаро хавфсизлик учун ғоят ҳатарлигини таъкидлади ва ер юзидаги халқларни бутун дунёда тинчлик учун курашга сафарбар этиш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлигини қайд этиб ўтди.

АКП бош секретари ички аҳвол тўғрисида гапириб Аргентинани демократлаштириш жараёнида актив иштирок этиш учун ишчилар ва барча меҳнаткашларни бирлаштириш ишида коммунистлар олдида турган муҳим масалаларни уқтириб ўтди.

ДЎСТЛАР ТАЖРИБАСИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС мухбири). Бирорта ҳам яхши ғоя йўқолиб кетмаслиги керак. Венгриядаги Баранья областининг олимлари бу фикрни тажрибада амалга оширишга қарор қилдилар. Улар республикада биринчи маротаба ўзларининг районида ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишлари, рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ва ҳатто ҳаваскор ихтирочиларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўзига хос «ғоялар банки»да жамлашни таклиф этдилар. Олинган маълумотлар электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилиб, корхоналар, муассасалар, шунингдек айрим шахсларга берилади. Бунда уларга қўпинча Баранья области учунгина эмас, балки бутун республика учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда кўмаклашадилар.

Яқинда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, илгари ўз соҳасида таниқли бўлган мутахассислар ҳам баъзан қўшни корхона ёки институтда ўтказилаётган шу турдаги ишлар тўғрисида ҳеч нарса билмаганлар. Энди эса бу маълумотлар кимга зарур бўлса, у дарҳол уни қизиктираётган проблема билан ким ва қаерда шуғулланаётганлигини билиб олиши мумкин.

А. МЕЛЬНИКОВ.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ ОШМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 30-сентябрда тугайдиган 1982 молия йилида АҚШ давлат бюджетининг камомати рекорд миқдорга— 110,7 миллиард долларга етади. Молия министрлиги шуни хабар қилди. Маҳаллий шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, тугалланаётган молия йилида 220 миллиард доллардан ҳам ошиб кетган ғоят катта ҳарбий ҳаражатлар бунинг асосий сабабидир. Камомотнинг ўсиши АҚШда иқтисодий танглиққа ҳам таъсир қилди. Бу эса давлат хазинасига бюджет тушумларини кескин қисқартириб юборди, шунингдек бир триллиондан ошиб кетган давлат қарзининг узлуксиз кўпайтиришига олиб келди.

Конгресс бюджет бюроси директори Э. Ривлин «Ю. С. Ньюс энд уорд рипорт» журналяда эълон қилинган мақоласида 1983—85 молия йилларида бюджет камомати бир йилда ўртача 155 миллиард долларга етади деди.



Боғот районн марказидаги китоб магазини ҳамиша адабиёт ихлосмандлари билан гавжум бўладиган савдо шахобчаларидандир. Бу ерда қишлоқ меҳнаткашлари ўзларига керакли бадиий, илмий, техникавий ва деҳқончиликка оид турли адабиётларни харид қилишлари мумкин. Магазин ходимлари харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб боришга ҳам алоҳида эътибор беришади.

СУРАТДА: китоб магазинида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

▲«Армуғон» ансамблининг қатнашчилари ўз ҳамқишлоқлари — Андижон районидаги «Ленинград» колхозининг механизаторларига янги концерт программасини тухфа этдилар. Бу халқ ансамбли 16 нафар ҳаваскор артистни бирлаштирган бўлиб, пахта йиғимтерими даврида ўз колхозининг ҳамма дала шийпонларида концерт қўйиб берди.

* * *

▲Фарғона область Риштон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида агитбригада ташкил қилинди. Агитбригада составида лекторлар, агитаторлар, пропагандистлар, хўжаликнинг етакчи мутахассислари, шунингдек «Гулноз» хаваскорлик ансамбли бор. Пахта йиғим-терими илғорлари —К. Маркс номли бўлим механизаторлари биринчи бўлиб агитбригаданинг янги программаси билан таништирадилар.

* * *

▲«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бухоро филиали ходимларининг ёрдами билан маҳаллий таксомотор паркида автомобилларга техника хизмати кўрсатишнинг поток линияси машина тормозларини текширадиган стендлар жорий этилди. Бу эса корхонага 25 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаш имконини беради. Филиал таклиф этган техникавий янгиликлар туфайли область автомобиль хўжаликларида меҳнат унумдорлиги анча ошди.

▲Навоий шаҳрида халқ ўлкашунослик университети очилди. Партия ветерани, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Борис Степанович Шалатонин университетга жамоатчилик асосида раҳбарлик қилмоқда. Маълумот жиҳатидан тарихчи бўлган бу киши ўз умрининг ярим асрини—Зарафшон водийсини ўрганишга бағишлади, бу ерда ибтидоий одам манзилгоҳини, Сармиш деган жойда қояларга чизилган расмларнинг ноёб тўпламини аниқлади. Толмас Ўлкашуносининг ўнлаб ёш издошлари бўлиб, улар университетнинг биринчи курсида шуғулланмоқдалар. (ЎзТАГ).

Спорт

● ХОККЕЙ МАҒЛУБИЯТ ВА ДУРАНГ

Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги учрашувни турнир пешқадамларидан бири — Саратовнинг «Кристалл» коллективи билан ўтказди.

Биринчи кунги ўйинда саратовликлар ҳужумкорликда шайба суриб, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Такрорий матч эса қизғинтда жанговар ўтди. Буни учрашув натижаси ҳам кўрсатиб турибди — 3:3. Минскда маҳаллий «Динамо» коллективи Свердловскнинг «Автомобилист» хоккейчиларини қабул қилди. Улар ўртасидаги биринчи матч 7:7 ҳисобида тугади. Такрорий ўйинда эса майдон эгалари устун келишди — 4:3.

Бошқа учрашувлар қуйидагича тугади: — «Енбек» (Олмаота) — «Торпедо» (Тольятти) — 6:8, 4:5, «Динамо» (Харьков) — — «Рубин» (Тюмень) — —5:2, 8:1, «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — Урицкий номли спорт клуби (Қозон) —2:5, 1:10.

Энди эътиборингизга командаларнинг турнир жадвалида тутган мавқеини ҳавола этамиз.

	У	Ш	О
«Сибирь» (Новосибирск)	16	110-37	30
«Кристалл» (Саратов)	16	93-49	27
«Торпедо» (Усть-Каменогорск)	16	92-58	25
«Торпедо» (Тольятти)	16	76-58	21
Урицкий номли спорт клуби (Қозон)	16	65-61	20
«Динамо» (Минск)	16	72-56	19
«Металлург» (Череповец)	16	68-59	19
«Бинокор» (Тошкент)	16	66-57	18
«Автомобилист» (Свердловск)	16	66-58	18
«Динамо» (Харьков)	16	72-60	17
«Енбек» (Олмаота)	16	74-76	13
«Молот» (Пермь)	16	48-76	9
«Буран» (Воронеж)	16	53-102	8
СКА (Новосибирск)	16	58-89	7
«Дизелист» (Пенза)	16	68-100	4
«Рубин» (Тюмень)	16	34-120	1

▲ШАШКА

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Хотин-қизлар ўртасида рус шашкаси бўйича ўтказилган СССР XXVI чемпионати ниҳоясига етди.

Маълумки, биринчилик мусобақалари Андижонда бўлди. Чемпионат якунида 9,5 очко жамғарган вильнюслик спорт мастерлигига номзод В Андролойць биринчи ўринни эгаллади. Москвалик спорт мастери Р. Гагарина иккинчи, киевлик А. Наумова эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Биринчиликда республикамиз шарафини ҳимоя қилган андижонлик Карима Мирзаева 6,5 очко жамғариб, 14-ўринни банд этди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ФОЙДАЛИ ҲАШОРАТЛАР

Ўргимчакларни илмий жиҳатдан қузатиш натижасида улар ҳақида тўқилган кўплаб ҳикоялар афсонадан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлди. Масалан, ўргимчаклар турли касалликларни тарқатувчи эмаслиги аниқланди. Фақатгина кам сонли ўргимчаклар тури заҳарли ҳисобланади. Турли хил афсоналарга қарама-қарши ўлароқ ўргимчакнинг фанга маълум бўлган 30 минг туридан бор-йўғи иккитаси эркагини ўлдиради. Улар ўз авлоди ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатади. Бу ниҳоятда кичик йиртқичлар (уларнинг катталиги 1 миллиметрдан — 6 сантиметргача бўлади) йилига ҳаммаси бўлиб 1 миллиард тонна қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотишини ҳисобга оладиган бўлсак, улар инсоннинг бошқа нарса билан алмаштириб бўлмайдиган дўстидир.

Ўргимчак турли соҳа олимлари ва ҳатто архитекторларни ҳам қизиқтирмоқда. У энг кам матернал сарфлаб, энг юксак чидамликка эришадиган «Қурилиш технологи» эканлиги илгаридан маълум.

(ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

1 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Комила». Телевизион бадиий фильм, 1- ва 2-серялар [«Ўзбекфильм»].
11.50 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм.
12.00 «Рус сувенири» ансамблининг концерти. Ленинграддан олиб кўрсатиладн.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар.
16.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
17.05 «Бугунги Жазоир». Кинопрограмма.
17.35 «Эль-Гарнатия» ёшлар музикали ансамблининг концерти [Жазоир].
18.05 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатиладн.
18.50 «Сиз яратган боғ».
19.20 Мультфильм.
19.35 Футбол шарҳи.
20.05 «Уренгой-Ужгород газ қувури». «Трассани Фёдор Бурковский бошқармоқда».
20.20 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 П. И. Чайковский. «Иоланта». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан ва техника». Киножурнал. 19.00 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Мен— говвос-2». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қора товуқ». Болалар учун мультфильм.
18.30 «Болалик — бу камалаклар бўёғи» [рус.].
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Куйловчи декорациялар». Самарқанд опера ва балет театрининг рассомлари О. Алиева ҳамда Д. Сафоев ижоди ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. Жабборова ва Б. Ҳолхўжаев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Уша ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.

СЕШАНБА

2 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Илмий техника революцияси даври чапақайи». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.20 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.30 «Ҳайвонот оламида».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳаммасининг иши». Ҳужжатли фильмлар премьераси.
16.15 «Драматургия ва театр». К. Тренёв. «Любовь Яровая».
17.05 Литва ССРда хизмат кўрсатган Вильнюс Давлат университети ашула ва рақс ансамбли коллективининг концерти. Вильнюсдан олиб кўрсатиладн.
17.35 «Афродита ороли». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси [Кипр].
18.05 «Аслн болаликдан». Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 Дунё воқеалари».
19.30 «Фан оламида». Фан ва техника соҳасида Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари.
20.15 «Димков ўйинчоғи». Кинотюд.
20.20 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Солдат мемуарлари». 3-фильм. «Қишлоқ ўқитувчиси». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Москва ёшлар ва студентлар хорининг чиқиши.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Геннадий Невельский жасорати». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.45 Табиатшунослик. 2-синф. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 14.30 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. 12.05 «Рус тили». 13.10 «Фан оламида». 14.00 Н. А. Некрасов лирикаси. 9-синф. 15.00 А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари. 15.45 «Октябрь арафасида». В. И. Ленининнинг охирги марта подпольеда бўлиши. 16.25 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм. 20.15 «Халқ оҳанглари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. 21.15 «Баландлик». Телевизион ҳужжатли фильм 21.30 «Время». 22.05 Спорт программаси. Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Трактор». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Бадминтон бўйича халқаро турнир.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
12.30 «Уша ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Шимол эртаги». Мультфильм.
18.15 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви.
18.45 «Бизнинг иқтисодий шарҳ». Кўрсатувни Ўзбекистон телевидениесининг шарҳловчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Абдуғаниев олиб боради.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Машқ». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.00 «Ёзувчилар пахтакорлар ҳақида».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Далада ишлаётганлар, Сизлар учун». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Уша ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 2-серия.
23.30 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

3 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Кузги кемалар». Мультфильм.
9.50 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.00 «Чеварлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Актнвлик, эҳтирос, эътиқод билан». Пропагандистларнинг иш тажрибалари ҳақида ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.35 Грузия ССР Чиатури шаҳар Маданият уйи «Чанги» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.05 «Горничилар, қаердасиз!»
17.55 «Вьетнамнинг бир куни». Телевизион очерк.
18.20 «Ёшлар адреслари».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши».
19.45 «Куз». Концерт.
20.20 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қалбимдасан, жон ўлкам». Фильм-концерт.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Ҳужжатли фильмлар премьераси:
«Қаноатланиб».
«Кумуш аср».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Деҳқончиликда эртанги кун техникаси». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Астрономия. 10-синф. 10.05 ва 14.10 Немис тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. 11.35 ва 12.40 И. С. Тургенев. «Бежин ўтлоғи». 6-синф. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 Ўқитувчига музика сабоги. 1-синф. 3-кўрсатув. 14.40 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Большевиклар ҳокимиятни қўлга олишлари керак», «Марксизм ва кўзғолон». «Четда турган кишининг маслаҳатлари». 15.25 «Демьян Бедний — революция куйчиси». 16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар. 18.45 Бадиий фильм. [ГДР]. 20.00 «Спорт ҳафталиги». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. 21.15 «Халқ оҳанглари». 21.30 «Время». 22.05 «Салом, тундра». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Кубань» — «Динамо» [Киев]. Краснодардан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Ленинга хат ёзяпман...».
12.15 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
13.15 «Уша ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Уч банан». Мультфильм.
18.15 «Усмирлар ижоди».
18.45 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми қарорлари — ҳаётга! «Қурилиш лойиҳадан бошланади».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Я. Колас туғилган куннинг 100 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ёш солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Экранда — киннокомедия». «Мимино».
24.00 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.

ПАЙШАНБА

4 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горничилар, қаердасиз!»
10.25 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.35 Р. Шчедрин. Иккинчи симфония.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Энергетика: Бугуни ва эртаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.05 Й. Мисливечек. Ре мажор симфонияси.
16.15 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона. Кўп миллатли». Кўп миллатли совет маданиятининг ривожланиши ҳақида.
17.00 «Ленин қалбларимизда». Концерт.
17.40 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар.
18.10 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Д. Папанин билан учрашуви.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва интизом».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биргаликда ақлл оламиз». Душанба шаҳридаги Иброҳимовлар оиласи ҳақида.
20.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Хаарлем» [Голландия] — «Спартак» [Москва]. Голландиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Конгрессдаги жентльменлар». Телевизион спектакль премьераси. Автор — М. Андерсон.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Бугун Макаренко билан». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 7-синф. 10.10 ва 14.05 Испан тили. 11.15 «Салом, дельфин». Илмий-оммабоп фильм. 11.35 «Сиз яратган боғ». 12.05 «Александр Блок ҳақида монолог». 13.05 Тарих. 9-синф. Ленинча «Искра». 13.35 Д. Д. Шостакович. 14.35 География. Совет географларининг тадқиқотлари. 15.05 «Огнш бурчаги — ноль». Бадиий фильм [субтитр билан]. 16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар. 18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.50 «Ҳужжатли экран». Кинолова. «Олам узра байроқлар». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Совет композиторларининг лирик қўшиқлари. 21.30 «Время». 22.05 «Мен яшайдиган уй». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Бойчечак» [такрорий].
12.00 «Чипполино». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Маша ва қўнғизча», «Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студент қишлоқ хўжалиги отрядн».
19.00 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Февзи Белялов куйлайди.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Қардошлик мушораси».
20.15 «Коз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.40 Янгиликлар.

ЖУМА

5 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар:
«Зангори филча»,
«Бир том остида»,
«Сеҳрли тош қўшиғи».
10.20 П. И. Чайковский. «Иоланта». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
12.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатиладн.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет турмуш тарзи». Ҳужжатли фильмлар:
«Уй»,
«Ака-укалар»,
«Сенинг оламинг, сенинг ернинг».
16.25 «Москва ва москвaликлар».
17.00 «Революционер бўлиш мураккаб лавозим». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.50 «Ғолиб». Бадиий фильм.
19.25 «Гражданлар уруши қўшиқлари». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хори ижро этади.
19.55 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
Танаффус пайтида — «Время». Кўрсатув тугагач — «Театр учрашувларн».
Кўрсатувлар охирида — Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар. 9.40 А. Толстой. Асарлари саҳифаларида. 10.25 «Ҳаёт мактаби». Телевизион очерк. 10.55 Бадиий фильм [ГДР]. 12.10 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти. 12.55 Мультфильмлар. 13.30 «Тезюрар». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 «Ҳамиша ва ҳар ерда порлайди». Фильм-концерт. 15.05 Болалар учун фильм. «Қаердасан, Багира!». 16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар. 18.50 «Саянлар». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.15 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. МАСК (Харбий-Денгиз Флоти) — МДУ. 19.45 «Активлик, эҳтирос, эътиқод билан». Пропагандистларнинг иш тажрибалари ҳақида ҳужжатли фильмлар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Концерт. Кўрсатув тугагач — «Время». 21.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Болалар бадиий коллективларининг концерти.
12.30 «Нуқта, нуқта, вергул». Бадиий фильм.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильм.
18.10 Болалар учун концерт.
18.40 «Кинопублицист экрани».
19.25 «Ахборот» [рус., ўзб.].
19.55 Москва. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли. [Кўрсатув тугагач — Янгиликлар].

ШАНБА

6 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
10.05 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.05 «Спортлото»нинг 45-тиражи.
11.15 Болалар учун. «Оловли болалик». Бадиий фильм.
12.20 И. Дунаевский қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазия.
12.30 «Москвичка». Телевизион клуб.
14.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
15.00 «Дунё воқеалари».
15.15 «Қалбга яқин қўшиқлар».
16.05 Мультфильмлар.
16.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
17.00 «Имконият чегараси». А. С. Пушкин номли Ленинград академик драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — И. Герасимов.
19.40 «Жаҳон халқларининг ижоди».
20.10 «Буюк халқ ҳақиқати». «Коммунистлар». 1-фильм. Кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни СССР халқ артисти М. Ульянов олиб боради.
21.30 «Время».
22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси.
23.40 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 Грузия ССР халқ артисти М. Яшвили чалади [скрипка]. 9.40 «Мен —говвос-2». Бадиий фильм. 11.00 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» — «Факел». «Локомотив» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 13.00 «Инсон — ер хўжайини». 14.00 «Горький болалиги». Бадиий фильм. 15.35 «Қадрдон Подмосковье». Ҳужжатли фильм премьераси. 15.55 «Тўрт пионер борарди». Мультфильм. 16.05 «Жон Филд». Телевизион музикали фильм. 17.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 17.45 Халқаро обзор. 18.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.00 «Балтика шуҳрати». Бадиий фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Музикали киоск». 21.15 «Финишсиз масофа». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар».
11.10 Алла Пугачёва концерти.
12.35 «Тутқич бермас қасоскор» лар». Бадиий фильм.
14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Пионер горилари янграйди». Фильм-концерт.
18.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.15 «Ахборот» [рус.].
19.30 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэма.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. Янги программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Концерт.
22.50 «Хирмонингизга барака».
23.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. В. И Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги орденидан олиб кўрсатиладн. Трансляция пайтида ёзиб олинган.
00.20 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

7 НОЯБРЬ
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Юний ленинградец» хореографик ансамблининг чиқиши.
10.05 «Қадрдон мамлакат бўйлаб». Киношарҳ.
10.35 «Улуғ Октябрь». Совет шоирларининг шеърлари.
11.05 СССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти И. Моисеев.
11.45 «Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу».
12.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ. Кўрсатув охирида (15.00) — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори иштирокида пионерларнинг байрам концерти.
15.30 «Ленин Октябрда». Бадиий фильм.
17.10 «Қишлоқ архитектураси».
17.40 «Муз фантазияси». Москва муз устида балетининг чиқиши.
18.30 Мультфильмлар.
19.05 «О спорт, сен — тинчликсан!». Бадиий-публицистик фильм. 1- ва 2-серялар.
21.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.45 «Голубой огонёк»нинг байрам сони.
01.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Инсон». Ер. Коннот». 10.05 «Салют, пионерия!». Киев шаҳар пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши. 11.05 «В. Луговской шеърларини РСФСР халқ артисти Ю. Каюров ижро этади». Фильм-концерт. 12.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ. Кўрсатув охирида (15.00) — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори иштирокида пионерларнинг байрам концерти. 15.30 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 17.00 «Халқ оҳанглари». 17.15 «Одамлар орасида». Бадиий фильм. 18.50 А. Штейн. «Вақт асираси». Москва сатира театрининг фильм-спектакли. Танаффус пайтида (20.10) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.45 «Цирк чироқларини ёққанда». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.45 Тошкент ✕ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қуёш акси». Қўғирчоқ фильм.
18.25 «Бизнинг бахтли болалигимиз». Адабий-музикали композиция.
19.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
19.50 «Ахборот». УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
20.30 «Байрам базми». Катта байрам музикали программаси.
21.30 Москва. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.45 «Байрам базми». Катта байрам музикали программасининг давоми. Кўрсатув тугагач— Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р—07459.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22 Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37. 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83 Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашрнёт диспетчери — 32-78-94. Нашрнёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1149.